

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



— 2022 йил—Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили —  
Ассалому алайкум, азиз муштарий!

## ЎСТИҚВОЛ ҲОҲИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Ватан ягонадир,  
Ватан биттадир

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2022 йил 25 ноябр № 42 (8438)

### Муҳим ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёев  
Франция Республикаси  
Президенти Эммануэль  
Макроннинг таклифига биноан  
жорий йилнинг 21-22 ноябрь  
кунлари расмий ташиф билан  
ушбу мамлакатда бўлди.

\*\*\*  
Айрим озиқ-овқат  
маҳсулотлари импортига  
божхона имтиёзи муддати  
узайтирилди.

Президент "Истеъмол  
бозорларида нархлар  
барқарорлигини таъминлашга  
доир қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида"ги Фармонни  
имзолади.

Унга қўра импорт  
қилинадиган 23 турдаги  
бирламчи озиқ-овқат  
маҳсулотлари учун "ноль"  
қийматдаги бож ставкаларини  
қўллаш муддати 2023 йил 1  
январдан 2023 йил 1 июлга  
қадар узайтирилди.

\*\*\*  
Юртбошимиз "Космик  
тармоқни янада  
ривожлантириш бўйича  
қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида" қарор қабул қилди.

Ватан – улуғ, байроқ – муқаддас!



### МАҒРУР ХИЛПИРАЙВЕР, ЮРТИМ БАЙРОҒИ!

Байроғимизни қаерда учратмайлик: давлат идоралари, мухташам бинолар пештоқидами, майдонлар ёки тадбирлардами, спорт ареналаридами, кўнглимизда ажиб ифтихор туйғуси жўш уради. Ахир у мустақиллигимиз, жонажон Ватанимиз рамзи! Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида қўйилган юзлаб байроқларни тасвирларда кўрсатганларида улар орасидан юртимиз рамзини қидирамиз, топганимизда, беихтиёр тўлқинланиб кетамиз. Бу йил Давлатимиз байроғи қабул қилинган кунга 31 йил тўлди.

Ўтган ҳафтада, 18 ноябр куни туман Марказий маданият уйи залида Давлатимиз байроғи қабул қилинган тарихий санага бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда сектор раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъуллари, тумандаги барча ташкилот ва муассасалар мутасаддилари, ҳоким ўринбосарлари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тантанали тадбирни туман ҳокими Илёмбек Новиков кириш сўзи билан очди. "Байроғимиз ўзида бутун Ўзбекистон халқининг асрий орзу-истаклари, ғайрати ва шижоатини, халқимизга хос меҳмондўстликни мужассам этган, дейди ҳоким ифтихор билан. — Миллий байроғимизнинг хилпираб туриши, турли байрам ва тантаналарда, мамлакатимиз вакиллари қатнашаётган халқаро миқёсда-

ги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурурини ёрқин акс эттириши барчамизга ифтихор бахш этади. Давлатимизнинг бу бебаҳо рамзи халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, тинч ва осойишта, озода ва эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга бўлган ишончимизни ифода этади. Биз юрт туғини кўз қорачиғидай асраган Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темур Малик, Амир Темур, Жалолиддин Манғуберди каби аждодлар авлоди эканимизни асло унутмаймиз".

Ҳоким бу ерда ҳозир бўлганлар, улар орқали бутун туман аҳлини байрам билан табриқлади. Шундан сўнг Давлат мадҳияси янгради. Туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи Иқболжон Зокиров миллий давлатчилигимиз

рамзи бўлган байроқнинг яратилиши ҳақида сўзлади.

Тадбир Она Ватанимиз, Давлатимиз байроғини мадҳ этувчи шеър ва қўшиқларга улашиб кетди. Байрам муносабати билан туманда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фаолларга туман ҳокимининг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Байрам муносабати билан тумандаги барча ташкилот ва муассасалар, умумтаълим мактабларида "Ватан – улуғ, байроқ – муқаддас!" шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, расмлар ва иншоолар танловлари, шеърхонлик кечалари, челленжлар, маърифат соатлари ўтказилди.

Муҳаббатхон МҲДИНОВА,  
туман ҳокимининг маслаҳатчиси.  
Ушбу суратлар ана шу жараёнларда тасвирга туширилди.

### Обуна-2023

#### "ЎСТИҚВОЛ ҲОҲИ"ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Азиз муштарий!  
Хабарингиз бор, Сизга қулайлик яратишни ҳамда газетани ўз вақтида олишингизни кўзлаб "Ўстиқбол Ҳоҳи" муҳарририяти газета обунасини тахририят билан тузилган шартнома орқали расмийлаштиради ва етказилишини таъминлайди. Шартномада обуна маблағи корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият курсатаётган ходимнинг розилиги билан тахририят ҳисоб рақамига шу йил охири ва келгуси йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтказиб берилиши назарда тутилган.  
Шу кунларда шартномалар расмийлаштирилмоқда.  
Обуна, шунингдек, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали Қўштепа бўлими орқали ҳам расмийлаштирилиши мумкин.  
Қадрдон муштарий, яратиб берилган қулай имкониятдан фойдаланинг. Газетамизнинг бир йиллик обуна баҳоси—170 минг сўм.  
Тахририятнинг ҳисоб рақами: 20208000500211010001 "Асака"  
ДАТ банки Фарғона филиали,  
МФО: 00539, ИНН: 200178144.  
МУҲАРРИРИЯТ.



### МАҲСУЛОТ СИФАТЛИ БЎЛСА...

Харидори ҳамиша нақд

"Кўприкбоши" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Каттаариқ кўчасида истиқомат қилаётган Арабжон Давроновлар оиласи хунар ортидан кам бўлмапти. "Хунарманд" уюшмаси ёрдами билан "Халқ банки" туман бўлими орқали 33 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олган Арабжон маҳалладаги бўш турган бинони таъмирлаб, бинойидай устахона ташкил этди. Шу ерда 11 нафар ёшга иш ўрни яратиб, мавсумга қараб, пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кунига ўртача 80 жуфт атрофида тайёрланаётган мавсумий пойабзаллар пешмаш Самарқанд бозорларига юборилмоқда. Айни пайтда бу сифат-



ли, харидоргир пойабзаллар Тожикистон бозорларида ҳам ўз харидорини топган.

—Мақсадимиз устахонамизни кенгайтириб, пойабзал таглигини ҳам ўзимиз ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз, дейди хунарманд. —Замон тинмай янгилик сари

интилишни тақозо этаётган экан, бу талабга жавоб бериб, янги-янги моделдаги пойабзаллар ишлаб чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Суратда: Арабжон Давронов шогирди Мирзакарим Мухторов билан.  
Бахтиёржон РҲЗИОХУНОВ олган сурат.

УШБУ  
СОНДА:

2

\* Миллий тизим ривожини йўлида  
\* Ер-давлат мулки, ундан ўзбошимчилик билан фойдаланиб, доғда қолманг

3

\* Маҳорат сабоқлари  
\* Мактаблардан ёзадилар  
\* 1 декабр—Халқаро ОИТСга қарши кураш кунини

4

Сабоқ бекати

\* Аҳли дониш дейдиларки...  
\* Ақл-ақлдан қувват олар  
\* Буюк файласуфлар ҳаёти...



## Ислоҳот чорраҳаларида

Бунда жисмоний ва юридик шахслар учун давлат хизматлари кўрсатиш кўламини ошириш, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бу борада барча учун тенг шароитларни яратиш орқали инклюзив муҳитни шаклланти-

Mobile-ID тизими жорий этилди; - шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ:

Mobile-ID тизими «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш бўйича ягона ахборот тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва шахсни унинг мобил телефон рақами орқали иден-

матлари маркази ёки нотариал идорага мурожаат қилинганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг асли тақдим этилади ҳамда давлат хизматлари маркази ёки нотариал идора ходими томонидан фуқаронинг юзи рақамли форматда расмга туширилади, электрон шаклда қўл бармоғи изи олинади ва мобил телефон рақами


интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетга бепул боғланади;

бевосита давлат хизматлари марказлари ёки нотариал идора орқали фуқароларни Mobile-ID тизимида идентификация қилиш 2022 йил 31 декабрга қадар тўлов ундирилмасдан, 2023 йил 1 январдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдоридан бир марталик тўлов ундирилган ҳолда амалга оширилади;

Mobile-ID тизими фойдаланувчилари электрон рақамли имзони қўлламаган ҳолда барча давлат хизматларидан (бундан молиявий хизматлар мустасно) фойдаланиши мумкин; фуқаронинг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетида юбориладиган барча хабарномалар унинг хоҳишига кўра ва белгиланган тўловлар асосида Mobile-ID тизими орқали идентификацияланган мобил телефон рақамига СМС-хабар шаклида юборилади.

Англаганингиздек, фуқароларимизнинг давлат хизматларидан фойдаланиш тартиби сезиларли соддалаштирилган. Мақсад эса битта—енгиллик яратиш ва пировардида инсон қадр-қимматини юксалтиришдан иборат.

Сардорбек АБДУРАҲМОНОВ,  
туман давлат хизматлари  
маркази директори.



## МИЛЛИЙ ТИЗИМ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

**Инсон қадр**и бош мақсадга айланган мамлакатимизда фуқароларнинг ҳар қандай мурожаати қулай тарзда **етказилиб, ўз вақтида ҳал этилиши борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 20 апрелдаги «Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тусиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ана шундай имкониятларга пухта асос бўлиб хизмат қилаётир.**

ришга қаратилган қатор янги тартиблар белгилаб қўйилган. Шундай экан, аҳолининг хабардорлигини ошириш учун ушбу ҳужжатда келтирилган қўйидаги бандларни айнан келтириш мақсадга мувофиқдир. Унга кўра, 2022 йил 1 августдан бошлаб:

- давлат хизматларидан фойдаланиш учун шахсни идентификациялашнинг мавжуд тизим ва воситаларига қўшимча равишда жисмоний шахсни идентификациялашнинг

тификациялашни назарда тутуди; шахсни Mobile-ID тизими ёрдамида идентификациялаш фуқаронинг хоҳишига кўра, давлат хизматлари маркази ёки нотариал идора томонидан ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобил иловаси орқали амалга оширилади;

Mobile-ID тизими ёрдамида идентификациядан ўтиш учун фуқаро томонидан бевосита давлат хиз-

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетга боғланади;

Mobile-ID тизими ёрдамида идентификациядан ўтиш учун фуқаро томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобил иловасидан фойдаланилганда масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) усули ёки ID-кар-тадаги электрон рақамли имзо қўлланилади ҳамда мобил телефон рақами Ягона

## Жараён



## ЖИМ ТУРМАН, ОҚИЛА АЁЛЛАР!

Хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, қизлар тарбияси, уларнинг маънавий-ахлоқий баркамоллигига ижобий таъсир кўрсатиш, умуман, жамиятда янги маънавий муҳит яратиш мақсадида ҳукуматимиз қарори билан шакллантирилган «Оқилад аёллар» ҳаракати туманимизда ҳам ўз фаолиятини низомий мақсадлар асосида олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳаракатнинг туман жамоатчилиги тузилмаси 30 нафардан иборат ҳаётий тажрибага эга бўлган, гапга-сўзга етар аёллардан ташкил топди. Ўтган куни ҳаракат аъзоларининг маҳалла фаол аёллари, «Маърифат» тарғибот гуруҳи аъзолари иштирокида навбатдаги йиғилишида оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, қадриятларимизни ўрнига қўйиш, хоригга иш ахтариб кетганларни қайтариш, ажримлар, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида белгилаб олинган режалар муҳокама этилиб, янада изчиллаштирилди, бу борадаги тажрибалар ўртоқлашилди. Ҳаракатнинг маҳаллалардаги бошланғич гуруҳлари, кўчабошилар олдидан асосий вазифалар уқтирилди.

Билдирилган таклифлар асосида маҳаллалардаги бошланғич гуруҳлар ўртасида танлов эълон қилинди. Унга кўра, йил якуни сарҳисоби асосида низомий мақсадларни амалга оширишда энг яхши натижага эришган маҳалла «Оқилад аёллар» гуруҳлари ҳомийлик асосида пул мукофоти билан тақдирланадиган бўлди.

Юлдузхон ХУДОЁРОВА,  
туман «Оқилад аёллар» ҳаракати етакчиси.

## ЕР – ДАВЛАТ МУЛКИ, УНДАН ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИБ, ДОҒДА ҚОЛМАНГ

Кадастр Агентлиги туман бўлимининг барча фуқаролар, юридик шахслар ва фермер хўжаликлари раҳбарларига мурожаати

Мустақил мамлакатимизда бугунги кунда барча соҳалардаги каби, ер майдонларидан фойдаланиш борасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу, шубҳасиз, иқтисодий тараққиёт ҳамда халқ фаровонлиги йўлида ташланаётган муҳим қадамлардан биридир. Кадастр агентлигининг туман бўлими ўзига юклатилган вазифалар ижроси юзасидан тизимли ишларни амалга оширмоқда. Шунга қарамай, кўчмас мулк ҳамда ер майдонларига эгаллик қилиш ва фойдаланиш масалаларида турли муаммоли вазиятлар юзага келаётгани биз, мутасаддиларни газета минбаридан туриб мурожаат йўллашга ундади. Зеро, аксарият ҳолларда ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги паст, меъёрий ҳужжатлардан беҳабар эканлиги намоён бўлаётир.

Азиз фуқаролар! Амалдаги қонун талабларига қатъий риоя этишингизни сўраймиз, акс ҳолда тегишли тартибда чоралар кўрилишини маълум қиламиз. Ўзингизга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларингиз (турар-жой, ер участкаси, далаҳовли, нотурар-жой, хонадон ва бошқалар)га бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўз вақтида ўтказинг. Акс ҳолда бу, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жиноят кодексининг 681-моддасига кўра, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни

амалга оширувчи органга ер участкасига, бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаганлик сифатида фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари, мансабдор шахсларга эса ўн беш баравари миқдоридан жарима солинишига сабаб бўлади.

Ваколатли органларнинг тегишли ҳужжатларисиз ўзингизга тегишли бўлмаган ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олмаслигингизни ва қурилиш ишларини олиб бормаслиқларингизни сўраймиз. Акс ҳолда, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 60-моддаси 2-қисмида кўрсатилганидек, «Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан, ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш» фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари, мансабдор шахсларга эса эллик баравари миқдоридан жарима солинишига сабаб бўлади.

Мазкур кодекснинг 60-моддаси 3-қисмида эса «Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ажратилган ер участкасига туташ бўлган ва туташ бўлмаган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари, мансабдор шахсларга эса уч юз баравари миқдоридан жарима солишга асос бўлиши қайд этилган.

Шунингдек, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи (фермер хўжаликлари раҳбарлари) томонидан ўз вақтида чоралар кўрилишини, шу жумладан, ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни ўз вақтида хабардор этилиши зарур. Акс ҳолда, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 60<sup>1</sup>-моддасида «Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрилмаганлиги, шу жумладан, ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органлар хабардор этилмаганлиги» сабабли фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари, мансабдор шахсларга эса эллик баравари миқдоридан жарима солинишини эслатиб ўтамиз.

Ер—давлат мулки. Ундан қонунда белгиланган асосда фойдалансангизгина у сизнинг манфаатингизга хизмат қилади. Сиз-у бизнинг манфаатимиз учун хизмат қиладиган қонунни билмаслик ёки менсимаслик ортидан моддий зарар кўриб, маънавий азият чекишингизни истамаймиз. Шунинг учун ҳам Сизга мурожаат этишни лозим топдик.

КАДАСТР АГЕНТЛИГИ  
ТУМАН БЎЛИМИ



Маҳорат сабоқлари

# ҚУТЛУҒ ДАРГОҲДАН ЧЕКСИЗ ИЛҲОМ БИЛАН

Бадий ижодга, китобхонликка қизиқувчи ёшлар учун адабий даврлар, устозлар суҳбати, маънавий-маърифий мулоқотларнинг фойдаси бениҳоя каттадир. Айниқса, умумтаълим муассасаларида таҳсил олаётган, қалбида ижод бўлоғи эндигина кўз очаётган ҳаваскор қаламкаш ўқувчиларнинг бундай учрашув ва мулоқотларга меҳр-у илҳоси баланд эканлиги шубҳасиз. Бу гал ҳам таълим муассасамизнинг бир гуруҳ ижодсевар ёшлари вилоятимизнинг қутлуғ ижодий даргоҳларидан бири – Қўштепа тумани ҳокимлиги муассислигидаги “Истиқбол йўли” ва вилоят Оила ва хотин-қизларнинг “Ойдин” газетаси таҳририятига ташриф буюришиб, бир олам рағбат ва чексиз илҳом олишга эришдилар. Тумандаги 20-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг “Келажак сари” ва 29-умумтаълим мактабининг “Ёғду” тўғараги аъзолари ташриф чоғида таҳририят фаолияти билан яқиндан танишдилар. Газетанинг дунёга келиши, мақолаларни тайёрлаш масъулияти ва нашрга топшириш қийинчиликлари, шунингдек, ўзига хос завқи ҳақида бохабар бўлдилар. Таҳририят қошида узок йиллардан буён фаолият олиб бораётган “Ғунча” ёш ижодкорлар тўғараги, унинг ўнлаб иқтидорли ёшларни кашф этгани барчада ҳавас



ҳиссини уйғотди.

Таҳририятда етакчилик қилиб келаётган моҳир журналист, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, устоз Хадичахон Каримова билан ўтказилган самимий мулоқот ўқувчи-ёшлар қалбида ижодга, адабиётга муҳаббат ҳиссини янада кучайтирди. Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар Шоҳидахон Содиқова, камина, ижодкор ўқувчилар Моҳларой Тўлқинова, Хоназимхон Сирождидинова, Мақсудахон Мадаминова, Райҳонахон Маҳмудова ва Муҳаррамой Абдусатторова сингари қаламкаш ўқувчилар, ўз ижодий ишларидан намуналар ўқиб, устоз баҳосини, “оқ йўл”ини олдилар. Устоз томони-

дан берилган ижодкорлик сабоқлари, йўл-йўриқлари ўқувчиларнинг шеъриятга, журналистикага бўлган иштиёқини оширди. Қутлуғ даргоҳдаги унутилмас дақиқалар суратларга муҳрланди.

Энг қувонарлиси, ўқувчи-ёшларимиз чинакам меҳнат ва ижод, машаққат ва масъулият жам бўлган маскан – севимли “Истиқбол йўли” газетаси таҳририятдан юксак илҳом билан қайтдилар. Келгусида халқимиз маънавияти, маърифати ривожини учун хизмат қиладиган етук қалам соҳиблари бўлиб етишишни ният қилдилар.

Муштарий АҲМЕДОВА,  
20-ИДУМнинг  
ижодий-маданий масалалар  
бўйича тарғиботчиси.

Maktablardan yozadilar

## ТИЛГА ЭҲТИРОМ

Ona tilimizni e'zozlash, asrash, o'sib kelayotgan yosh avlodni o'zbek tilida so'zlashga o'rgatish, ularda milliy qadriyatlarga, ona tiliga, o'z xalqining an'alariga iftixor hissini kamol toptirishda ona tili va adabiyoti darslarining o'rni beqiyosdir. Bugungi kun pedagogidan nafaqat nazariy bilim, balki bor bilimni o'quvchilar ongiga samaraliroq usullar orqali yetkazish, uning puxta va tez o'zlashtirilishiga zamin yaratish, o'quvchilarda mantiqiy fikrlash, ijodkorlik va ravonlikni shakllantirishni ham talab etmoqda.

Shu maqsadlarni nazarda tutgan holda oliy toifali ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi Nafisa Komiljonova tomonidan 8-"B" sinfda ochiq dars tashkillandi. Mashg'ulotda milliy g'ururimiz bo'lgan ona tilimizga hurmat tuyg'usini shakllantirish, uni yot so'zlar bilan aralashtirib so'zlashdan asrash asosiy vazifamiz ekanligiga alohida urg'u berildi. O'quvchilar sof o'zbekcha so'zlashga da'vat etilib, kundalik hayotimizda ko'p uchraydigan o'zbekcha-ruscha aralashtirib so'zlashdagi qusurlar aks ettirilgan videorolik taqdim etildi. Dars jaryonida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanilgani uchun u o'quvchilar tomonidan to'la o'zlashtirildi, deb aytish mumkin.

Nosirjon JO'RABOEV,  
1-umumta'lim maktabining o'quv ishlari bo'yicha direktor o'rinbosari.

Маълумки, ОИТС касаллиги бутун дунё аҳолисини ташвишга солиб келаётган ва ўз ечимини топиши зарур бўлган долзарб муаммолардан саналади. Энг ачинарлиси, қисқа вақт ўтиши билан у инсон ҳаётига нуқта қўяди. Шунинг учун ҳам Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти 1 декабрни “Халқаро ОИТСга қарши кураш куни” деб эълон қилган.

ОИТС касаллиги вируси асосан инсоннинг касалликларга қарши курашувчи (иммун) тизимини зарарлайди. ОИВ вируси билан асосан:

- ОИТСга чалинган бемор билан ҳимояланмасдан жинсий алоқа қилинганда;
- текширилмаган қон ва унинг маҳсулотлари қуйилганда;
- тозаланмаган ва етарли стерилланмаган ўткир инструментлар (соқол олиш асбоби, татуировка ва инъекция ниналари кабилар) дан фойдаланилганда;
- ОИТСга чалинган ҳомиладор онадан ҳомилага, туғиш ва эмизикли вақтида чақалоққа ўтади.

Касаллик асосан палапартиш жинсий алоқа қилувчилар, эркаклар билан жинсий алоқа қилувчи эркаклар, гиёҳванд моддани томир орқали қабул қилувчи шахслар ва фоҳиша аёлларда кузатилади. Бундай шахслар тиббиёт нуқтаи назаридан хавфли гуруҳлар деб аталади.

ОИТС касаллигининг нечоғлик даражада хавфли эканлиги, унинг оғир асоратлари, касалликнинг олдини олишда ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги юриштириши, ахлоқ-одоби, тўғри тарбиянинг роли ҳақида аҳолининг, энг асосийси, мамлакатимиз келажagini белгилувчи ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш асосий вазифалардан

саналади.

ОИТС касаллиги фақат тиббиёт соҳасининг муаммоси эмас. Унга қарши курашда давлат ташкилотлари, идоралар, тегишли вазирликлар, халқаро ва нодавлат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этиб, кенг аҳоли орасида тушунтириш ишларини биргаликда олиб боришни талаб этади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳолининг шахси

ўзи масъул эканини ёддан чиқармаслиги даркор.

Кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, ОИТС касаллигига чалинган шахсларнинг кўпчилиги гиёҳванд моддани томир орқали қабул қилувчилардир. Демак, гиёҳванд моддалар ОИТС касаллиги тарқалишида асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

ОИВ – одам иммун танқислиги вируси демак. Вирус одамнинг ҳимоя

- зарарсизлантирилмаган жарроҳлик, доялик, стоматологик ва бошқа тиббий асбоблар орқали тиббий муолажалар олганда;
  - шприцлар ва игналардан умумий фойдаланилганда;
  - етарлича зарарсизлантирилмаган маиший асбоб-ускуналар орқали;
  - вирус билан зарарланган қон ва ундан тайёрланган қон препаратлари қуйилганда.
- Вирус онадан болага ҳомиладорлик даврида

юқтирган инсонларда зарарланишнинг биринчи ҳафтасида шамоллаш ёки ангина белгилари намоён бўлади. Тана ҳароратининг кўтарилиши (бир неча ҳафта давомида), бир ойдан кўпроқ вақт мобайнида йўталиш, ҳеч қандай сабабсиз озиш, ич кетиши ва у сурункали давом этиши, лимфа тугунларининг катталашуви ва уларда оғриқнинг пайдо бўлиши касалликнинг асосий белгилари ҳисобланади.

Нима қилмоқ керак? ОИВдан қандай ҳимояланиш мумкин?

Сақланишнинг бирдан-бир йўли ўзингизни ва ўз яқинларингизни ахлоқан покликка, аёлдир-эркакдир ўз жуфти ҳалолига доимо содиқ бўлишга ўргатиш муҳим. Тасодифий жинсий алоқалардан ўзини тия билиш, шайтоний хирсдан асраниш инсонийликнинг шарт эканлигини унутмаслик шарт. Шунингдек, ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланиш, гиёҳванд моддаларни татиб ҳам кўрмаслик, тиббий, маиший ускуналарнинг зарарсизлантирилганлигига ҳамиша аҳамият бериш даркор. Шундагина сиз аср вабосидан ҳимояланасиз.

Унутманг, ахлоқий поклик, маънавий баркамоллик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик сизни ҳаммиша баало-қазолардан асрайди.

Муқимжон АКБАРОВ,  
туман тиббиёт  
бирлашмаси бошлигининг  
ўринбосари.

Алижон СИДДИҚОВ,  
туман тиббиёт  
бирлашмаси аҳолининг  
соғлом турмуш тарзини  
қўллаб-қувватлаш бўлими  
мудир.

### 1 декабр—Халқаро ОИТСга қарши кураш куни



## АХЛОҚИЙ ПОКЛИК, ЭҲТИЁТКОРЛИК СИЗНИ АЯНЧЛИ ХАСТАЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

сир сақланган ҳолатда (хуфиёна) текширтириш мақсадида жойларда махсус “Ишонч пунктлари” ташкил қилинган. Бундай пунктлар туманимизда ҳам мавжуд.

Агарда бирор бир кишида бир неча ҳафта ичида тана ҳароратининг сабабсиз кўтарилиши, бир ойдан кўпроқ вақт йўталиш, ҳеч қандай сабабсиз озиш, бир неча ҳафта мобайнида ич кетиши, лимфа тугунларининг катталашуви ва уларда оғриқ пайдо бўлиши каби белгилардан бирортаси пайдо бўлса, тезда шифокорга ёки юқорида келтириб ўтилган “Ишонч пунктлари”га мурожаат қилишлари мумкин. Бу билан Сиз ОИТС касаллигидан сақланган бўласиз. Чунки ҳар бир инсон ўз соғлиғи учун

воситаси ҳисобланмиш иммунитет тизимини чуқур жароҳатлайди. Касаллик манбаи ОИВ / ОИТСга чалинган бемор ва соғлом (вирус ташувчи) инсонлар ҳисобланади. ОИВ, яъни касаллик чақирувчи вирус одам организмидеги суюқликлар – қон, сперма, жинсий аъзолар суюқлиги ва кўкрак сутиде яшаши, кўпайиши ва бошқа одамларга юқиши аниқланган.

ОИВнинг уч хил юқиш йўли мавжуд: қон орқали (парентерал) ва онадан болага (вертикал) ва жинсий алоқа орқали. Ҳимояланмаган жинсий алоқа орқали юқиши ОИВнинг энг кенг тарқалган усулидир.

Вирус қон орқали қуйидаги ҳолларда юқиши мумкин:

(йўлдош орқали), туғруқ жараёнида (она қони орқали); эмизиш жараёнида (она сuti орқали).

- ОИВ қуйидаги ҳолатларда юқмайди:
  - қўл бериб кўришганда, кучоқлашганда, ўпишганда;
  - йўталганда, акса урганда;
  - умумий телефондан фойдаланганда;
  - ҳашаротлар чаққанда;
  - умумий ҳожатхона, бассейн, ҳаммомдан фойдаланганда;
  - умумий идиш-товоқдан фойдаланганда;
  - кийим-кечак ва кўрпа-тўшак орқали вирус юқмайди.
- ОИВ билан зарарланган беморда ташқи белгилар кузатилмайди, инсон ўзини соғлом ҳис этиши мумкин. Баъзи бир вирус



## Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Уч тоифа кишилар борки, Аллох уларга Ўз ёнидан бошпана бериб, раҳматини сочади ва жаннатига киритади. У шундай кишики, бирор нарса берилса, миннатдорлик билдиради. Гарчи азоблашга қодир бўлса ҳам, кечириб юборади. Ғазаби келса ҳам ўзини осойишта тутати. Ибн Аббос (розияллоху анхумодан).

*Байхакқий ривояти.*

\*\*\*

Уч хил дуо ижобатдир: рўзадорнинг дуоиси, мусофирнинг дуоиси ва мазлумнинг дуоиси. Абу Хурайра (розияллоху анхумодан).

*Ақийлий ривояти.*

\*\*\*

Уч нарса омонликдир: ичидан-ю сиртида Аллохдан қўриқиб, розилиқдан-ю ғазаби келганда адолатли бўлиш, камбағаллигу бойлиқда тежамкорлик. Уч нарса борки, улар ҳалокатдир: ҳавойи нафсига тобе бўлиш, ўзига бўйсундирувчи ҳасислик ва кишининг ўзи ҳақида юксак фикрда бўлиши. Анас (розияллоху анхумодан).

*Абу Шайх ривояти.*

“2002 ҳадис”дан. (Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри). “Мунир”нашриёти. Тошкент—2022.

# Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб  
доно бўлур,  
Қатра-қатра йиғилиб  
дарё бўлур.  
Алишер НАВОЙИ.

Аҳли дониш дейдиларки...

## ИНСОН МЕҲНАТ ЁРДАМИДА КАМОЛ ТОПАДИ

Ҳаётда ҳеч нарса машаққатли меҳнатсиз қўлга киритилмайди.

**ГОРАЦИЙ**

\*\*\*

Шон-шарафга олиб борадиган йўл меҳнатда.

**ПУБЛИЛИЙ СИР**

\*\*\*

Инсон меҳнат ёрдамида камол топади.

**Т. КАРЛЕЙЛЬ**

\*\*\*

Ҳар бир одам нимадир бажармоқ учун дунёга келади. Ер юзиде яшаб юрган ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз вазифаси бор.

**Э. ХЕМИНГУЭЙ**

\*\*\*

Инсон табиатида чуқур илдиз отган эҳтиёжлардан бири—кўнгил истаган ишни танлаш ва уни рангбаранг қилишга интилишдир.

**А. БЕБЕЛЬ**

\*\*\*

Одамни ҳеч нарса меҳнатчалик юксакликка кўтармайди. Одам меҳнатсиз ўз инсоний кадр-қимматини сақлай олмайди.

**Л. Н. ТОЛСТОЙ**

\*\*\*

Энг яхши ахлоқий ва эстетик дори—меҳнат.

\*\*\*

Бирдан-бир чинакам давлат инсон меҳнатидир.

**А. ФРАНС**

\*\*\*

Иш бизни уч хил иллатдан: зерикиш, қусур, муҳтожликдан халос этади.

**Ф. ВОЛЬТЕР**

\*\*\*

Инсоният фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш қанчалар буюк ишдир!

**А. СЕН-СИМОН**

\*\*\*

Меҳнат кишини ерга урмайди, афсуски, баъзан меҳнатни ерга урадиган одамлар учраб туради.

**У. ГРАНТ**

\*\*\*

Меҳнат ҳаёт қонуни эканини болалигиданоқ билиб олган, нон пешона тери билан ундирилишини ёшлигиданоқ тушунган одам жасорат кўрсатишга қодирдир, чунки зарур кун ва соатда у жасорат кўрсатишга ўзида ирода ҳам ва бунга куч ҳам топа олади.

**ЖЮЛЬ ВЕРН**

\*\*\*

Бутун иродани ишга солиб меҳнат қилиш керакки, иродамиз худди минага ўхшаб портласину тўсиқларни улоқтириб ташласин.

**Ж. ФАБР**

“Тафаккур гулшани”дан. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент—1989 йил.

Табиатнинг ўзи мусаввир



Ақл-ақлдан қувват олар

## ГАПНИ ОЗ СЎЗЛА, ИШНИ КЎП КЎЗЛА

Қуруқ гап гапиргандан кўра амалий иш қилиш зарурлигини, бу эса кишига фойдадан ҳоли эмаслигини уқтирувчи бу сингари мақоллар кўп: “Тилинг сўзда бўлса ҳам, кўлинг ишда бўлсин”, “Тилинг сўзласин, кўлинг ишласин”, “Гап кўп жойда иш оз бўлур”, “Кўп гапиргандан кўп иш кутма”, “Кўл билан қилар ишни тил билан қилиб бўлмас”, “Гап билан шошма, иш билан шош”, “Гап билан мақтанма, иш билан мақтан”, “Сўз тўйғизмайди, иш тўйғизади”, “Тилинг билан дов кўтаргунча, ишинг билан донг кўтар”, “Гап билан ваъда берма, иш билан далда бер”, “Ҳар кунги ваъзхонликдан-бир кунги жонбозлик яхши”, “Кўп гапдан оз бўлса ҳам иш яхши”, “Мингта чиройли сўздан—битта хунук иш яхши”.

“Ҳикматнома”дан. Тошкент—1990 йил.

Германиялик мутафаккир Иммануил Кант Кёнигсберг шаҳрида хунарманд уста оиласида туғилиб ўсди. У оиладаги 9 нафар фарзанднинг тўртинчиси бўлган. Кант болалик ва ўсмирлик чоғларида тез-тез касалга чалингани сабабли нимжон, жиззаки

(1788), “Антропология” (1798). Булар Кантнинг энг йирик ва машҳур асарлари сирасига киради.

... ва ижодидан

**ФИКРЛАШНИ ЎРГАТМОҚ**

Фалсафа соҳасини қуйидаги са-

Буюк файласуфлар ҳаёти...

## КАНТ ИММАНУИЛ (1724-1804)



ҳамда ваҳимачи эди.

1745 йилда у Кёнигсберг университетининг илоҳиёт факултетини тамомлаган. 1755 йилдан то 1797 йилгача шу ерда метафизика, мантиқ, риёзиётдан дарс берган. Умрининг охиригача бўйдоқ ўтган. 57 ёшида “Соф тафаккур танқиди” деб номланган асосий асарини ёзиб тугаллаган.

Унинг қуйидаги асарлари маълум: “Осмоннинг умумий табиий тарихи ва назарияси” (1755), “Мантиқ” (1800), “Амалий мантиқ танқиди”

воллар билан чегаралаш мумкин:

1. Мен нимани била оламан?
2. Мен нима қилмоғим керак?
3. Мен нимага ишонишим мумкин?
4. Инсон нима?

Биринчи саволга метафизика фани, иккинчисига ахлоқ, учинчисига дин ва тўртинчисига антропология жавоб беради. Юқоридаги уч савол охиригисига келиб тақалади.

\*\*\*

Рад этилишдан чўчимаслик керак. Бошқа нарсдан—сени тушунмасликларидан эҳтиёт бўл.

\*\*\*

Ҳар бир фан фақат риёзиёт билан иноқлашгандагина мукамалликка эришади.

\*\*\*

Оғзимиздан чиқаётган ҳар қандай сўзлар ҳаққоний бўлмоғи керак. Аммо бу, биз ҳар қандай ҳақиқатни очик айтишга мажбурмиз дегани эмас.

\*\*\*

Ўз ботиний эътиқодидан воз кечиш пасткашлиқдир.

\*\*\*

Этика—эътиқод фалсафаси.

\*\*\*

Даҳолик—ўргатиб ҳам, ўрганиб ҳам бўлмайдиган истеъдод маҳсули.

\*\*\*

Фикрларни эмас, фикрлашни ўргатмоқ керак.

\*\*\*

Чехрамининг ранги ёлғон сўзлаётганимизни фош этади. Аммо у ҳамма вақт ҳам ёлғоннинг исботи бўлиб хизмат қилавермайди. Кўпинча бизни айблаётган кимсанинг андишасизлигидан ҳам қизарамиз.

“Ҳақиқат манзаралари” китобидан.

“Янги аср авлоди” нашриёти.

Тошкент—2002 йил.

Билиб кўйган маъқул

## ОРГАНИЗМ НИМА ИСТАЙДИ?

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Тузланган егуликларни кўнгил тушади организмда инфекция борлиги ёки яллиғланиш жараёни (айниқса пешоб йўли аъзоларида) кузатилади.

Ширинликка мойиллик асаб тизими толиққанига ишора. Ошқозон-ичак тизимида муаммо келиб чиқмаслиги учун бундай вақтда асал ва аччиқ шоколад ейиш даркор.

Тузсиз овқатга эҳтиёж гастрит ва жигар фаолиятида муаммолар пайдо бўлганда юзага келади. Бундай таом спазмларни йўқотиб, ошқозонни тинчлантиради.

Писта чақиш истаги антиоксидантлар етишмаётганидан далолат.

Аччиқ таомга ружу қўйиш ошқозон-ичак тизими фаолияти бузилганини билдиради. Ҳазм йўллари енгил тозалаш зарур.

Денгиз маҳсулотларига мойиллик организмда йод етишмаси рўй беради.

Қалампир қўшилган ўткир таомлар эса ҳазм қилишни кучайтиради. Аммо уни ўз миқдориде ва меъёрида истеъмол қилган маъқул.

“Сиҳат-саломатлик” журналидан.

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улуг аجدодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YO'LI

МУАССИС:  
ҚЎШТЕПА ТУМАНИ  
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИЯТ  
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:  
Умидаҳон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
Фаргона вилояти бошқармаси томонидан  
2007 йил 9 январда 12-012 рақами  
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:  
151111,  
Марғилон шаҳар,  
Бобур номи маҳалла,  
Соҳибқор кўчаси, 4-уй.  
Телефон ва факс:  
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТИНИНГ  
Pentium - IV  
КОМПЮТЕРИДА  
ТЕРИЛДИ ВА  
САҲИФАЛАНДИ.  
Дизайнер:  
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ  
босмаҳонасида 3003  
нусада чоп этилди.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Манзил: Марғилон шаҳар,  
Туркистон кўчаси,  
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:  
64875

Буюртма № 748

Топшириш вақти 18.00  
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:  
Ҳадичаҳон КАРИМОВА

